14.45 "Экспедиция". Хужатли сериал.

15.35 Чемпион сирлари.

15.55 "Рамаяна". Телесериал.

16.30 Кўрсатувлар дастури.

16.35 "Янги авлод" студияси: "Катта танафус".

16.55 Болалар клуби.

17.15 "Учинчи сайдера" маърифий дастури.

18.05 Спорт ҳафтномаси.

18.45 Оқшом наволари.

18.55, 21.55 Иклим.

19.00 "Давр - news".

19.20 ТВ-анонс.

19.35 Мутобиби.

20.05 Аёл қалби наволари.

20.20, 21.15, 22.30 Эълонлар

20.25 "Жюли Леско". Бадиий фильм. 16-қисм.

21.20 "Зинама-зина".

21.50 Олтин мерос.

22.00 "Давр ҳафта ичидаги".

22.35 Тунги тароналар.

22.45 "Ёшлар" телеканалида премьера: "Шамолни жиловлад". Бадиий фильм.

00.15-00.20 Хайрли тун!

ЎзТВ - III

17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 "Эртакларнинг сехри олами".

18.55, 20.10, 22.00 "Экспресс" телегазетаси.

19.15 "Жаҳон географияси".

20.00 "Телефакт".  
20.30 "Табриклиймиз-кутламиз".  
21.00 "Пойтахт шархи".  
21.20 "Ташриф".  
21.40 "Спорт-клуб".  
22.20 Кинонигоҳ. "Жаноб Марғи".  
23.35-23.40 "Хайрли тун, шархим!".

ЎзТВ - IV

9.00 Кўрсатувлар тартиби.

9.05 "ТВ-4да мусика".

9.10 Д. Криловнинг "Йўлда ёзимаган қайдлари".

9.30 "Хамма уйдалигига".

10.05 "Кайфият". Информацион-дам олиш дастури.

11.35 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)

11.45 Болалар соати: "Ёзги таътил". Бадиий фильм.

12.20 Зондиган чорбаси.

13.30 "Кинопрофи".

14.20-15.20 "Дўстлик" видеоканали: "Дидар", "Айчурек", "Маврид".

15.00 "Музик холл".

15.25 "Хикоя...".

16.30 Кўрсатувлар тартиби.

16.35 "Лего - ленд". Болалар учун телевизион.

16.55 Болалар клуби.

17.15 "Учинчи сайдера" маърифий дастури.

18.05 Спорт ҳафтномаси.

18.45 Оқшом наволари.

18.55, 21.55 Иклим.

19.00 "Давр - news".

19.20 ТВ-анонс.

19.35 Мутобиби.

20.05 Аёл қалби наволари.

20.20, 21.15, 22.30 Эълонлар

20.25 "Жюли Леско". Бадиий фильм. 16-қисм.

21.20 "Зинама-зина".

21.50 Олтин мерос.

22.00 "Давр ҳафта ичидаги".

22.35 Тунги тароналар.

22.45 "Ёшлар" телеканалида премьера: "Шамолни жиловлад". Бадиий фильм.

00.15-00.20 Хайрли тун!

## ОРТ

5.45 Е. Леонов, И. Смоктуновский и В. Басов в фильме «Ехали в трамвае Илья и Петров». 7.00 Новости.

7.10 Служу России.

7.40 Дисней-клуб: «Тимон и Пумба».

8.05 Сериал «Собачье дело».

9.00 Непутевые заметки» с Дм. Крыловым.

9.30 Пока все дома.

10.05 KBN-2002.

12.15 «Клуб путешественников».

13.00 «Сами с усами».

13.30 Дисней-клуб: «Минки Маус и его друзья».

14.00 Новости (субтитры).

14.10 Затерянный мир в фильме «Микрокосмос».

14.45 Фильм «Невероятные приключения итальянцев в России».

17.40 А. Шварценеггер в боевике «Конец света».

20.00 Времена.

21.05 Фильм «Беспокойный свидетель».

22.55 «На футболе» с В. Гусевым.

23.20 «Последний кадр». Концерт групп «Сплин» и «Би-2».

\*\*\*

16.30 Кўрсатувлар тартиби.

16.35 "Лего - ленд". Болалар учун телевизион.

16.55 Болалар клуби.

17.05 "Билишни истайман".

17.25 Кинематограф. "Хотира саодати". Бадиий фильм.

18.05 "Музик холл".

18.45 Оқшом наволари.

18.55, 21.55 Иклим.

19.00 "Давр - news".

19.20 ТВ-анонс.

19.35 Мутобиби.

20.05 Аёл қалби наволари.

20.20, 21.15, 22.30 Эълонлар

20.25 "Жюли Леско". Бадиий фильм. 16-қисм.

21.20 "Зинама-зина".

21.50 Олтин мерос.

22.00 "Давр ҳафта ичидаги".

22.35 Тунги тароналар.

22.45 "Ёшлар" телеканалида прем

# МИТТИВОЙ

Bolalar  
sahifasi

## Болалар дунёси

### “ОПОКДАДА БҮЛАМАН!..”

— Мен бобомни бобо дейман!  
— Мен отамни — отажон!  
— Мен бувамни бува дейман! —  
Мақтанаар Той, Нор, Омон.  
— Катта бўлсам, Бобожон, деб,  
Эркаланар неварам.  
— Соч-соқолим оқарганда  
Ота, дерлар мени ҳам!  
— Неваралар бува, деса,  
Фаҳр билан куламан!..  
Мен ҳам дедим: — Катта бўлсам,  
Опоқдада бўламан!

### БОБО ҚУЁШ

Булутларни ҳайдади  
Бобо қуёш.  
Эрк қўшигин айтади  
Бобо қуёш.  
Қани, мен ҳам  
Багрим кенг  
Оча олсан.  
Ҳаммага ҳам  
Мехрим тенг  
Соча олсан.



### БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН

ҮҒИЛ:  
— Дада, ойим хонада  
шиппаксиз юришингиз-  
ни илтимос қилди-  
лар.



— Нега, болам?  
— Кутичадан учта  
босма мих полга ту-  
шиб кетибди. Шуларни  
қидириб топмоқчи-  
лар...

\*\*\*

Автобусда бораётган беш ёшли  
Одилжон тез-тез йўталиб, бурнини  
тортиб кўярди. Унинг бу одати ёнида  
үтирган йўловчига ёқмади. Ниҳоят у чи-  
дай олмай деди:

— Ҳой бола, чўнтағингда дастрўмо-  
линг борми?

— Бор. Аммо  
уни бирорга бер-  
сам ойим уриша-  
дилар-да!

\*\*\*

Шўхлик қилавериб  
уйдагиларни безор  
қилган Анвар онасини  
кучиб деди:

— Ойижон, сира  
ташвишланманг. Мен

сизни ва дадамни ёч қачон ташлаб кет-  
майман.

— Ҳазиллашма, ўғлим, отангни юра-  
ги чатоқ-а!

\*\*\*

— Ойижон, мен қачон туғилганман?  
— Тахминан эрталаб соат 5.00 да.

— Мени деб шунча  
эрта ўрнингиздан тур-  
ганмисиз?..

\*\*\*

Расм дарсида:  
— Валижон, конфет-  
ни намунча кичкина  
қилиб тасвирладинг?  
— Оғзимга сифсин-да.

\*\*\*

— Мактабга бошқа  
бормайман, — деди Дамир қовоқлари-  
ни уоб.

\*\*\*

— Нега, ўғлим?  
— Ёзиши ҳам,  
ӯқишини ҳам бил-  
майман. Дарсда гаплашиб ўти-  
ришига эса рухсат  
йўқ экан.

\*\*\*

— Катта бўлиш барibir яхши эмас  
— ширинлик ҳам, музқаймоқ ҳам егинг  
келмайди...

\*\*\*

— Сўнгги марта қандай чалиш  
кераклигини кўрсатаяпман.



— Барibir чилангар  
бўламан



Кичкина, миқтидан  
келган болакай “Мева ва  
сабзавотлар” дўконига ки-  
риб, нарх-наво ёслигига  
дикқат билан кўз юргути-  
риб чиқди. Кейин бориб  
навбатта турди. Навба-  
ти етгач, портфелидан  
қандайдир дафтарни  
олиб, унга кўз ташлаб  
олгач, сотовчига деди:

— Амаки, менга 13  
кило картошка, 3 кило  
лавлагидан тортиб бе-  
ринг.

Сотовчи боланинг  
миқти гавдасига қараб,  
негадир иккиданиб тур-  
ди, кейин айттан нарса-  
ларини тарози-  
га кўйиб торти-  
ди, уларни ерда  
ётган тўрқопга  
солди.

Сотовчи:

— Бўлдими?

Бола:

— Йўқ. Энди тарозига 4  
кило сабзи, 3 кило олма,  
6 кило карам ва 2 кило  
нокдан кўйинг.

Сотовчи (ажабланиб):

— Ҳов болапақир, бу-  
ларнинг барини бир ўзинг  
кўтариб кетмоқчимисан?

Бола (бўш келмай):

— Узумини енгу боғи-  
ни сўрамант. Тортинг де-  
гандан кейин тортавер-  
майсизми?

## Бир чимдим кулгу

Навбатда турғанлардан  
бири луқма ташлади:

— Мудир ака, болапа-  
кир кўтаролмаса, мана мен



Сотовчи пилдираб юриб  
болакай буюрган барча  
нарсаларни тарозида тор-  
тиб, тўрқопга жойлади. Ха-  
ридор пинагини буз-  
май, қўлидаги ручка  
 билан дафтарига нима-  
ларнидир қайд этарди.

Сотовчи:  
— Йигитча, бўлдими  
энди?

Бола:

— Хўш-ш, қани,  
энди менга айтинг-чи,  
мана шу қопдаги нарса-  
ларнинг қанчаси хўл  
мева, қанчаси сабзат?

Сотовчи (бошини  
қашлаб, ён  
дафтарига алла-  
нималарнидир  
ёзди):

— Бу қопга жами 26  
кило сабзат, 7 кило хўл  
мева жойланди. Энди ва-  
кти кўп олмай, ҳисоб-ки-  
тоб қил. Қара, орқангда  
қанча одам турибди.

Бола (қийқириб):

— Ура! Ура! Амакиён,  
минг раҳмат сизга! Мен бу  
қопдаги нарсаларни сотиб  
олмоқчи эмасман. Матема-  
тиқадан уйга берилган ва-  
зифани ечолмай тургандим.  
Сиз уни бир дақиқада ечиб  
ташладингиз, оғарин!

Мурод ТИЛЛАЕВ.

## ОФАРИН!

ёрдамлашвораман. Болала-  
римизни маңа шунаقا  
қилиб ишбилармонликка  
ўргатмасак, қачон одам  
қиласиз?

Орқадан яна бирор  
йўғон овозда дўриллади:

— Ўзи муштдеккина  
бўлсаям ота-онасининг  
оёқ-қўли экан. Қойил-  
э!


Сотовчи (маглуб бўлган  
қиёфада):

— Хўп-хўп, ҳозир бир  
лаҳзада ҳаммасини “есть”  
қип юбораман.

## ҲИКМАТЛИ БАЙТ

Азиз болажонлар! Ушбу бошқотирмада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъатароби шоир Пўлат Мўминнинг кичкентойларга атаб ёзган шеъридан олинган иккиси мисра яширилган. Уларни ўқишта ҳаракат қилиб кўринг-чи. Бунинг учун энг аввало қаердан бошлаб ўқиши кераклигини аниқлаб олиб, сўнгра доирачаларни бир-бири билан туташтирган чизиқлар орқали боришингиз лозим.

Тузувчи Ҳ. АБДУЛЛАЕВ.




### ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН СОНИДА ЧОП ЭТИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:


**ЭНИГА:** Маҳлико, Фил. Ош. Дауда, Қайн, Қайсар, Су-  
булли, Таомил, Орзули, Зада, Аранг, Ўта, Овчи, Янаги, Ин-  
сон, Фожиа, Эл. Үммат, Шарф. Ада: Улов. Сир. Оқин. Зах.  
Саҳрои. Эн. Ел. Эр. Она. Ванна. Ата. Бирлик. Тире. Даро-  
мад. Ари. Доно. Фаво. Фасл. Муовин. Шрифт. Қура. Зукко. Шу. Ранг. Аҳд. Атай. Аён. Жарчи. Фол. Ални. Айш.

**БЎЙИГА:** Губор. Тўполончи. Амал. Равок. Мавзе. Ўзга-  
ча. Катнов. Альвидо. Ру. Тил. Чарх. Ака. Шак. Ҳайдовчи.  
Кайфи. Ин. Ноо. Изоҳ. Иэнсиз. Дала. Уламо. Тафтиш.  
Одоб. Нутқ. Эвтида. Суюниш. Ая. Ер. Флот. Номус. “Реал”.  
Лола. Исо. Факир. Теран. Дим. Заиф. Ҳад. Лой. Ур. Ошкор.  
До. Лаҳжа. Қора. Ов. Оташин. Ирсий. Тони. Граф. Нима. Он.

**Шифрограммадаги ҳалқ ма-  
қоли:**  
ЕТИ ҮЛЧАБ, БИР КЕС.



O'nta farqni toping



А. ҲАКИМОВ чизган расм.

## "Фалла - 2002"

**ДЕҲҚОНЛАРГА МАДАДКОРМИЗ**

**Фарғона вилояти ғаллакорлари 103 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан, жами 350 минг тонна сара дон йиғиштириб олиши. Унинг 280 минг тоннадан зиёди давлат дон қабул қилиш пунктларига топширилди.**

Фарғона туманида 8340 гектар ерга бошоқли дон экилган. Айни пайтда ҳосил 515 та транспорт во-ситалари ёрдамида йиғиштириб олинаяпти. Ўрим билан 26 та ком-байн банд.

Туман ИИБ ходимларидан 35 нафари ғаллани нест-нобуд қилмай, талон-торожкисиз йиғиштириб олишга сафарбар қилинган.

Охунбоев туманида этиштирилган дон давлат омборларига тўла-тўқис тусиши дикқат маркази-

хўжаликлари тутатилиб, фермер хўжаликларига айлантирилди.

Туман ИИБ бошлиги, милиция подполковники Х. Эргашевнинг сўзларига қараганда, буғдойни йиғиштириб олиш ва давлатга сотиша қўйинчилликлар туғилмаяпти. Фермерлар ўз қариндош-уруглари билан ҳосилнинг нобуд бўлиши ва ўғирланишига йўл қўйишмаяпти. Ҳозирча ташмачилик ҳолатлари кузатилмади.

Шунга қарамай 48 нафар милиция ходими ва 4 нафар ёнгин хавфсизлиги хизмати вакиллари дон давлат омборига тўлиқ этиб боришини назорат қилиб бормоқдалар.

**М. КИМСАНБОЕВ.**

**ҚОНУНИЙ ЧОРА КЎРИЛАДИ**

**Вилоят ички ишлар идоралари ходимлари мавсумда жамоат тартибини сақлаш, йўлларда ҳарарат хавфсизлиги ва ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, талон-торожлик ва ташмачиликнинг олдини олиш борасида фидойилик кўрсатишяпти. Натижада кўплаб хукуқбузарликларнинг олди олинмоқда.**

Жиззах туманида ғалла ҳосилини ташишга жалб этилган, туман агромашсервис корхонаси ҳайдовчиси У.Х. ғаллани талон-торож қилишнинг антика усулини ўйлаб топган экан. У ўзига биркитилган "КамАЗ" руслами автомашинанинг 500 литр сифимили ёнилти бакидан автомашина юхонаси га яширинча қувур ўрнатиб олганлиги аниқланди. Ҳайдовчининг бундай ихтироси билан Х. Носиров жамоат ҳўжалигидаги хонадонларнинг бирига туширган 108 килограмм буғдой далилий ашё сифатида олниди.

Дўстлик тумани М. Да-дажонов ширкат ҳўжали-

ги ғалла майдонидан С.Х. 56 килограмм, К.Ж. 100 килограмм буғдойни олиб кетишаётгани аниқланди. Мирзачўл тумани Абай ширкатлар бирлашмаси худудида ғалла ташиётгани трактор тиркамасидан 250 килограмм буғдойни тушириб қолдирган Б.Ж., худди шундай йўл билан 280 килограмм буғдойни ўмарган В.Алар ушланди.

Жиззах туманида яна бир нечта фермерлар шартнома интизомини бузиб, ғаллани ўйларига тўкиб олишгани аниқланди. "Набижон" фермер ҳўжалиги раиси Н.К. 2770 кг. арпани давлат омбори-

**Б. БЕГИМҚУЛОВ.**

га топширмасдан ноқоний равища уйида саклаётгани, "Тоҳир - А" фермер ҳўжалиги раиси С.С. эса 2850 кг. арпани қоплаб ҳовлисига жойлаб кўйгани маълум бўлди. Ноқоний равища сакланётгани ҳосил далилий ашё сифатида олниб, давлат қабул пунктига топширилди.

Шунингдек, "Афросиёб" фермер ҳўжалиги раиси О.К. 20 тоннага яқин буғдойни ўриб олиб, ҳосилни шартнома бўйича давлат қабул пунктига топширмасдан фермер ҳўжалиги оғилхонаси ҳовлисида бир ҳафта мобайнида сақлаб келаётгани фош этилди. Ички ишлар ходимлари назоратида ғалла 7-сонли Жиззах ун заводига топширилди.

Аниқланган барча ҳолатлар бўйича қонуний чора кўрилади. "Набижон" фермер ҳўжалиги раиси Н.К. 2770 кг. арпани давлат омбори-

**Питнак шаҳрида ғалла ўрим-йигимига ушо-коқлик билан киришилди. Шаҳар милиция бўлими ходимлари этиштирилган мўл ҳосилни нобудгарчиликсиз йиғиштириб олишда дехқонларга мададкор бўлишяпти.**

**НАВБАТЧИЛАР ГУРУХИ ҲАРАКАТДА**

— Мавсумни бетала-фот ўтказиш учун барча ширкат ва фермер хўжаликлари ҳудудларида навбатчилар гурухларини ташкил қилдик, — дейди Питнак шаҳар милиция бўлими барои ғалла ҳосилни нобудгарчиликсиз йиғиштириб олишда дехқонларга мададкор бўлишяпти.

Сари, милиция майори К. Мадримов (ўртада) ҳамда профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Ҳурмат Полвонов дехқонлар билан сухбатлашишяпти.

етиштирилган ҳосилга кўз олайтирувчи кимсалар учрамади.

Йиғиштирилаётган ғалла ҳосилини дон қабул қилиш масканларигача

кузатиб бориш, далалар ва омборларда ёнгин чиқишининг олдини олишда йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳамда ёнгин хавфсизлиги хизматлари ходимларининг хизмати катта бўлмоқда.

**Х. ЖАББОРОВ.**



Суратда: милиция майори К. Мадримов (ўртада) ҳамда профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Ҳурмат Полвонов дехқонлар билан сухбатлашишяпти.

**Ж. ҚОЗОҚ олган сурат.**

**Осоийишталик посбонлари****ҲУШЁРЛИК - БОШ МЕЗОН**

**Улфатларнинг жиноий тил биринчилини ошириб олиб келиштиришига бир томони ичкилик сабабчи бўлди.**

**- Машат қилишга нима етсин, - деди давроннинг тўрида ўтирган Б. Ойбек навбатдаги қаданини бўшатар экан.**

**- Бормисан ошна, - унинг сўзларини маъқуллари Л. Озод. - Аммо бунинг учун пул керак.**

**- Каллани ишлатсан пул топилади, - деди У. Ҳамробек.**

Учовлон маслаҳатлашиб, бир хонадонни тушнажасини ишлаб чиқиши. Шундан сўнг мастиҳолда Урганч шаҳри Навоий кўчасидаги 79-йўн ёнига келиши. Шу куни 43-хона эгаси Зулфия Бобохонова уйда йўқ эди. Буни олдиндан билган ҳамтовоқлар тепага нарвон орқали чиқиб, балкон деразасининг сим тўрини бузиб, ичкарига кириши. У ердан видеомагнитофон, аудиомагнитофон, телефон аппарати, беш дона куртка, бир дона енгил жун кўрпани ўмарган ўғрилар воқеа жойдан гойиб бўлдилар.

Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси кинология хизмати йўрикли-кинологи, милиция катта сержантини А. Аҳмадалиев ўз хизмат ити Ука билан бирга энг намуналари кинолог деб топилди. У маҳсус диплом билан тақдирланди.

Вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция полковники А. Исмоилов голибларга фахрий ёрликлар ва қимматбаҳо совғалар топшириди.

**Б. КЛЕЙМАН.**

лари, милиция сафдорлари М. Майлиев ва Р. Тагоновлар хизмат бурчларини ўташаётганда бир шахс шубҳали кўринади. Ундан ҳужжатларини кўрсатиши сўрашиди. Шунда у Қўшкўпир туманилик М. Санъат эканлиги аниқланади. Бу фуқаро милиция ходимларининг саволларига узуқ-юлуқ жавоб беради. Шу боис посбонлар ундан гумонланиб, милиция бўлинмасига олиб боришади. Холислар иштироқида унинг ёни кўздан кечирилганда қофзга ўралган 12 грамм марихуана чиқади.

Кўчаларда осойишталикни таъминлашга муносаб ҳисса қўшайтган хоразмлик патруль-пост хизмати ходимлари ўзларига топширилган ҳудудда ҳуашёрликни ошириб боришаётгани турли хил ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш, рўй бераётган жиноятлар иссиғига очилишида катта аҳамият касб этаяпти.

...Тунги соат 23.00 ларда патруль-пост хизмати бўлинмаси милиционер-

**С. ЖУМАНИЁЗОВ,**  
милиция подполковники.

**КИНОЛОГЛАР КЎПКУРАШИ**

**Андижон вилояти ИИБ хизмат итариши питомниги базасида кинология кўпкураши бўйича вилоят биринчилиги ўтказилди. Мусобақада турли бўлинмалардан 70 нафарга яқин кинологлар иштирок этиши.**

Инспектор-кинологлар қарамогларидаги итларнинг буйруқларни бажариши, тўсикларни забт этиши ва бошқа топшириклар ўрин олган ўкув курсини қандай ўзлаштиргани юзасидан ўз маҳоратларини намойиш этиши. Иштирокчилар тўфт оёкли ёрдамчилари кўмагидаги гиёхандлик моддалари, портловчи моддаларни кидириб топиш, изларни аниқлаш, куролланган "жиноятчи"ни ушлаш бўйича олган билимларини амалда кўрсатиб бердилар.

Дастурдаги ҳар бир тур бажарилганда етакчилар аниқланди. Шахсий биринчилика - гиёхандлик моддаларини кидириб топишда йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси кичик инспектор-кинологи, милиция катта сержантини А. Коми-

лов, изларни аниқлашда Марҳамат тумани ИИБ кичик инспектор-кинологи, милиция сержантини А. Аллаохуновлар голиб чиқиши.

Итларни ўргатишининг умумий ва маҳсус курси бўйича Кўргонтепа тумани ИИБ кичик инспектор-кинологи, милиция сержантини Ш. Ҳошимов, Андижон тумани ИИБ кичик инспектор-кинологи, милиция старшинаси Х. Мадаминов ва Булоқбоши тумани ИИБ кичик инспектор-кинологи, милиция катта сержантини Д. Султоновлар юқори натижаларга эришдилар.

Умумжамоа ҳисобида йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари биринчи ўринни эгаллашди. Қолган иккى фахрли ўрин эса Кўргонтепа тумани ИИБ ва Андижон шаҳри ИИБ вакилларига наисб этди.

Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси кинология хизмати йўрикли-кинологи, милиция катта сержантини А. Аҳмадалиев ўз хизмат ити Ука билан бирга энг намуналари кинолог деб топилди. У маҳсус диплом билан тақдирланди.

Вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция полковники А. Исмоилов голибларга фахрий ёрликлар ва қимматбаҳо совғалар топшириди.

**Б. КЛЕЙМАН.**

... Пайшанбадан пайшанбагача...

## ЯНГИ "ХУНАРЛАРИ" ОЧИЛДИ

Тошкент шахри С. Раҳимов туманида Н. Пўлатовнинг "Жигули" сига йўловчи сифатида ўтирган уч нафар босқинчи ҳақида газетанинг ўтган сонида ёзган эдик. Улар Чукурсой кўчасига етганда ҳайдовчига пичоқ ўқталиб, ёнидаги пули ҳамда автомашинасини тортиб олиб яширинишга ултурган, аммо кўп ўтмай кўлга олинганди. Тергов жараёнида аникланишича, юқоридаги жиноятни содир этгандар орасидан ёндан "Наган" тўппончаси тошилган кимса шу курол билан 3 июнь куни соат 14 дан 30 дақиқа ўтганда пойтахтимизнинг Бешёғоч даҳасида яшовчи X. M. нинг уйига бостириб кирган эди. Унинг оёқ-кўлларини боғлаб, "Daewoo" телевизори, тилла тақинчиҳар ва бошқа буюмларини олиб кетганини тан олди. Жабрланувчи эса бу ҳақда ѫеч қаерга хабар бермаган.

Килни қўрқ ёрувчи терговчи ва тезкор ходимларнинг ўз вазифасига сидқидилдан ёндошуви натижасида бу гуруҳнинг яна бошқа "хунарлари" ҳам фош этилди. Жумладан, шу йил 26 февраль куни М. Улугбек тумани "Буюк Ишак йўли" кўчасида яшовчи Н. Р.нинг хонадонида ёнгин содир бўлиб, ўй, ундаги бир қанча жиҳозлар куйиб кетган эди. Ёнгин ўчирилиб, ичкари кўздан кечирилганда, хонадон соҳибасининг оёқ-кўллари боғлиқ, оғзи эса сочиқ билан чирмаб ташланган ҳолдаги жасали топилганди. Ушбу ваҳшийлик ҳам юқоридаги Р. С.нинг чекига тушди.

## ЎҒРИГИНА БОЛАЛАР

Тошкент шахрининг А. Икромов туманида яшовчи пенсионер В. Г. нинг уйига нотаниш икки йигит бостириб кирди. Улар "сизга ортиқчалик қиласи" дея ўйдан "Panasonic" ҳамда "Tauras" телевизорлари, "Saba" радиоприёмники ва бошқа шунга ўхшаш буюмларини олиб жўнаб кетишли. Ҳартутул қарияга озор етказишмади. "Фақатгина" ҳиқилдогига пичоқ тираб туриши, холос.

Отахон негадир бу ҳақда тегишли жойга хабар қилишга ҳафсала қиласиди. Бироқ кўп ўтмай ҳузурига ташриф буюрган милиция ходимларининг "буюмларингизни идорамиздан олиб кетинг" деган гапидан қувониб кетган жабрланувчи "Йўғ-е, ўғригина болаларни тутдингизми?" деб юборди. Ва кўнгли юмшаб кўзига ёш олди. Қарилек-да.

## ПАЧАВАСИ ЧИҚКАН ИШ

Андижонлик Д. О. ѫеч қаерда ишламайди, аниқроғи, ишлашни хоҳламайди. Бироқ яхши яшашни орзу қиласи. Шу мақсадда у кўчага чиқиб ишқал ишни бошлади. Йўлда келаётган "Tico"га кўл кўтариб, ҳайдовчидан Бобуршоҳ кўчасига элтиб кўйини сўради. Йўлда эса арзимаган баҳсан низо чиқарди. Аслида Д. О.нинг дарди бошқа ёқда бўлиб, жанжал шунчаки баҳона эди. Кейин ҳайдовчини болаҳонадор қилиб сўқиб, камига дўпласди, тепди. Сўнгра йўл ҳаки ҳисобида тан жароҳати олган киракашдан қайтимиға "Tico" ни олиб, гойиб бўлди...

Мақсади ижобат бўлганидан димоги чоғ шоввоз ўлжа автомашинасида елдек учуб бораётганда тақдир курғур рулни бошқа ёқда буриб юбориб ҳамма ишнинг пачавасини чиқарди. У кутилмаганда йўл четида турган ҳайбатли "ЗИЛ" юқ машинасининг остига кириб кетди. Омади юришмаган Д. О. ҳозирча касалхонанинг жонлаштириш бўлимида.

## "МУРУВВАТЛИ" МЕҲМОН

Самарқанд шахри Темир йўл туманидаги "Универсал" дўкони олдида милиция ходимлари текшириш учун тўхтатган шубҳали шахс токикистонлик экан. 26 ёшли меҳмон қуруқ келишга ийманиб ўзи билан "атиги" 100 грамм атрофида героин олиб келибди. "Сахий" жўрамизнинг илтифотидан кўплаб "игначи"лар сархуш бўлиши мумкин эди. Нархи 200 АҚШ долларига тенг бўлган бу матоҳнинг бир грамми ҳам қонунчилигимизда катта миқдор саналади. Шунинг учун эҳтиёт шарт бу омонат судгача сақлаш учун олиб қўйилди. "Меҳмон"нинг ўзи эса "меҳмонхона"га жойлаштирилди.

## САФАР ҚОЛДИРИЛДИ

Сурхондарё вилоятининг Сариосиё темир йўл бекатида ҳам яна бир "саҳоватпеш" меҳмон" сайдан қолдирилди. Аслида узоқ манзилларга кўз тиккан 33 ёшли Ш. А. "Душанбе-Астраханъ" йўналишидаги поезд купесида ярим килограмм дарёортидан келтирилган "маҳсулоти"ни авайлаб олиб кетаётганди. Бу "олий навли" героин ташувчи ҳам энди суд хукмни кутмоқда.

И. МИНАВАРОВ,  
милиция майори

**Зиёда ая қизларини узатиб, ёлғиз қолса-да, тушкунликка тушмади. Чунки маҳалла-кўй, кўни-кўшнилар тез-тез ҳолидан хабар олиб, ёлғизлигини сездиришмасди. Ёшлар ҳам хурматини жойига қўйишарди.**

## АЯНИ РАНЖИТГАННИНГ ҲОЛИГА ВОЙ!

Зериккан пайтлари маҳалладаги дўконга чиқиб, таниш-билишлари билан бир зум гурунглашиб қайтади. Почтачи йигит уни яна шу ерда кўриб кувониб кетди.

— Уйингизга ўтсам, йўқ экансиз. Пенсия пулингизни бермоқни эдим, — деди у.

...Азим кечқурун Рабжаникага келганида у кайф қилиб ўтиради.

— Биламан, бугун пенсиянгизни бериши. Шунинг учун ҳам сиз томонга чопдим, — деди Азим унинг ёнига ўтирад экан. Ражаб унга ҳам арақдан қўйди. Газагига бодринг узатди. Азим арақни бир кўтаришда ичиб, дўпинини узоқ ҳилдади. Ражбанинг олаётган пенсиясига қойил қолиши, бу ҳамманинг ҳам кўлидан кела-вермаслигини айтиб, узоқ мақтади. Улфатининг ташрифидан боши осмонга етган Ражаб бор пулини арақча сарфлади. Вақт ярим тун бўлса-да улар бир-биридан ажралгиси келмасди. Арақ тугади, пул ҳам. Энди нима

милиция майори Бахтиёр Ўруновнинг ёрдамга вақтида етиб келиши, суриштирув ишлари пухта режа асосида олиб бориши натижасида қисқа фурсатда гумондорлар аниқланди. Шу ўринда маҳалла аҳлининг фаоллиги ва кўмаги муҳим роль ўйнаганини алоҳида ётироф этиш зарур. Жумладан, Азимнинг юриштуриши, гапириши ва тушга яқин дўконга бориб, мато ва бир нечта қийиқ сотмоқчи бўлганлиги ҳуёғ фуқароларда шубҳа ўйғотган эди.

Бу жиноятни очиша маҳалла посбонларининг хизмати ҳам таҳсинга

янич пункти катта инспектори, милиция капитани Шуҳрат Жумабаев зудлик билан ишга кириши. Тўрткўл тумани ИИБ жиноят қидирив ходими, лойикдир. Азимни қўлга олиш чоғида посбон Азamat Рейимбаев қочиб бораётган жиноятчанинг олдидан чиқди, яккамаякка олишувда уни йиқитиб, милиция ходими, лари етиб келгунча ушлаб турди. Кекса киши-



ни ранжитган босқинчилар эл қарғишига дучор бўлиши (тергов манфатларини кўзлаб, уларнинг исмларини ўзгартиридик). Икковлон албатта қилмишита яраша жазо олади. Ачинарли томони шундаки, гумондорларнинг иккиси ҳам оиласи, бола-чақали. Ражаб эса неварали ҳамдир. Ҳукуматимиз томонидан қарияларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётган бир даврда уларнинг бундай қабиҳ ишга қўл уришларини қандай изоҳлаш мумкин?

У. СЕЙБУЛЛАЕВ,  
милиция лейтенанти.  
Д. ХУДОЙШУКУРОВ.

"Корадори - 2002"

## БОШИНГГА НЕ БАЛО КЕЛСА...

**Мамлакатимизда жорий йилнинг май ойида бошланган ва ҳозир ҳам давом этаётган "Корадори - 2002" тадбирида нафақат ички ишлар ходимлари, балки авлодлар саломатлигини қадрлаган, эъзозлаган ҳар бир инсон иштирок этиши лозим.**

Қишлоқ, маҳаллалар ўзини ўзи бошқариш идоралари, фуқароларимизнинг бу борада ички ишлар ходимларига сидқидилдан берган ёрдами туфайли орамизда қонунга хилоф равишида даромад топишга интигуришни шахсларнинг қилмиши фош этилмоқда. Масалан, Республика ИИВ жиноят қидирив ва терроризмга қарши кураш бошқармаси Наркотрафик ва гиёхвандлик моддалари нинг ноқонуний айланисига қарши кураш бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда Сурхондарё вилояти Денов тумани, А. Қаҳҳор кўчасига 46 ёшли Р. М. томорқасига пиёсэ эккан. Пиёзлар гуркираб ўсиб, кўрган кўзни қувонтиради. Лекин пиёзлар орасидан барқ уриб, яшина турган салкам 250 туп кўкнор

ўсимлигини унча-мунча одам сезмасди...

Шаҳриён туманилик, 1973 йилда туғилган Ш. Р.нинг томорқасига ҳам худди шу тахлит 200 туп кўкнори етиширилаётган экан. Унинг шифоньеридан "янги ҳосил"дан йиғилган 56 грамм кўкнори топилди.

Бундай ҳолатлар Нурота туманида яшовчи Т. Э., Наманган тумани Кўшкўргон қишлоғидан Э. М.нинг ҳовли ва томорқаларида ҳам учради. Табиий, ноқонуний етиширилаёттан ўсимликларга жавобан минглаб отахону онахонларимиз дуога кўл очадилар. Улар кўлларидан келганича эл-юрт фаронлигига ҳисса кўшишашти. Лекин минг афсус билан таъкидлаш керакки, ички ишлар ходимлари томонидан ўтка-

зилаётган "Корадори - 2002" тадбири давомида Андижон вилоятидан Р. Йўлдошли, З. Мамарасул, К. Солијон, М. Мамадали, Б. Энахон каби фуқаролар ёшларига ярашмаган ишга кўл урганликлари учун халқ, фарзандлари ва невара-чеваралари олдиди юзлари шувут бўлди.

Осон пул топиш иштиёқи, чамаси, инсонни анча "тадбиркор" қилиб қўяди. Акс ҳолда навоийлик, кўп қаватли уйда яшовчи В. Олегнинг ўз хонадони балконида юз тупдан ортиқ, кўкнорини экиб, парваришилаётганини қандай тушуниш керак?

Юқорида тилга олинган ҳукуқбузарларнинг аксарияти бирор жойда ишламайди. Демак, уларнинг асосий даромад "манбай" — тақиқланган экинлар эвазига мол-дунё ортиришидир. Эндиликда бу экинлар оловда ёнгани етмагандек, эгаларини панжара ортига "етаклаб", эл олдида юзларини қаро қилди. Зоро, шоир айтганидек:

Бошинга не бало келса, бирорданмас, ўзингдан кўр. Йўлингдан сен адашсанг гар, қинғир босган изингдан кўр. Сафар қолдирилди

Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА.



**"НЕМИС МАШИНАСИ" ГА ҚОЙИЛ!**

Агар Германия терма жамоаси бўлмаганда уни ўйлаб топишга тўғри келарди. Чунки фақат "немис машинаси" гина Жанубий Корея футболчиларининг Европа футболи вакиллари устидан зафарли юришини тўхтатиб қолишга эриши. Сеулда ўтган ярим финал баҳсида Руди Феллер шогирдлари Жаҳон чемпионатидаги ўзининг энг муваффақиятли учрашувини ўтказди. Ушбу ўйин немислар ибораси билан айтганда ёрқин бўёкларга бой бўлди.

**МУРАББИЙ ИСТЕФОГА ЧИКДИ**

Португалия терма жамоасининг бош мураббий Антониу Оливейра истефога чиқди. Бунинг сабаби, у раҳбарлик қилган жамоа Жаҳон чемпионатидаги муваффақиятсиз иштирок этганидир. Бинобарин, жамоа Жанубий Корея ва АҚШ терма жамоаларига имкониятни бой бериб, ҳатто гурӯҳдан чиқа олмади. Португалия футбол Федерацииси президенти Жильберт Мадаилнинг айтишича, у билан 2004 йилгача тузилган шартнома бекор қилинган.

**ҚЎПРИК УНИНГ НОМИДА**

Туркия терма жамоаси ўйинчиси Умид Давала чемпионат давомида чиройли ўйин кўрсатиб, мухлислар эътиборини қозонмоқда. Терма жамоа ярим финалга чиққанидан руҳланган Умиднинг юртдошлари футболчи таваллуд топган қўшилоқдаги қўпприклардан бирини унинг номи билан атай бошлиди.

**ГИМНАСТИКАЧИЛАР ЯНА САФДА**

Машхур россиялик гимнастикачилар Алина Кабаева ва Ирина Чашиналар яна мусобақаларда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритиши. Лозаннадаги аппеляциялар кўриб чиққадиган Олий арбитраж суди ушбу масалани мұхқома қилиб ана шундай қарорга келди.

Ёдингизда бўлса дунёдаги энг таникли бадиий гимнастикачи 2001 йил август ойида Австралияниң Брисбене шаҳрида ўтказилган Яхши ният ўйинларида тақиқланган дорилар истеъмол қилишда айланган эдилар. 2002 йил февраль ойида эса Халқаро гимнастика Федерацияси икки спортчими бир йил мuddатга мусобақалардан четлаштирганди. Маълум вақт ўтгач, аппеляция комиссияси Кабаева ва Чашиналардан намуна олишда процедура қоидалари бузилган, деган қарорга келди. Шундан сўнг россияликлар Олий арбитраж судига аппеляция тайёрлаши.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти бошлиғи, генерал-майор Шуҳрат Ниёзова онаси

**БУЗУХРА аянинг**  
вафот этгани муносабати билан чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаги истеъфодаги ички хизмат полковниги.

**Иван Васильевич ЗИНОВЬЕВ**нинг  
вафот этгани муносабати билан мархумнинг оила аъзоларига чукур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖИЭББ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаги истеъфодаги ички хизмат полковниги.

**Мария Ивановна КУЧЕРСКАЯ**нинг  
вафот этгани муносабати билан чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ППХ ва ЖТСББ раҳбарияти ва шахсий таркиби Бош бошқарма бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Я. Мирсалиховга отаси

**СОДИК отанинг**  
вафот этгани муносабати билан чукур таъзия билдирадилар.

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ЖК ва ТКББ ходими, милиция катта лейтенанти М. Аблакуловга падари бузруквори

**Пўлатхон АБЛАҚУЛОВ**нинг  
вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор этадилар.

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ ШТБИХ катта инспектори, милиция катта лейтенанти Х. Ўрозовга укаси

**Эркин ЎРОЗОВ**нинг  
вафот этгани муносабати билан чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар ИИБ Автотранспорт воситалари техник холати, улардан фойдаланниш қоидалари ва меъёларига амал килишини назорат этиш бўлинмасининг бошлиғи, милиция подполковниги А. Ходжаевга кизи

**НИЛУФАР**нинг  
бевакт вафот этгани муносабати билан чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ЖК ва шахсий таркиби Бош бошқарма бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Я. Мирсалиховга отаси

**МАХСУДАНИНГ**  
бевакт вафот этгани муносабати билан чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ Тергов бошқармаси терговчиси, милиция капитани Б. Муртозовга отаси

**УМАР отанинг**  
вафот этгани муносабати билан чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Жиззах шаҳар ИИБ ходими, милиция старшинаси

**Облоку ҲАЙДАРОВ**нинг  
бевакт вафот этгани муносабати билан мархумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукур ҳамдардлик билдирадилар.

**ИИБ ҲУЗУРИДАГИ****"ҚЎРИҚЛАШ" БИРЛАШМАСИ ҲАБАРЛАРИ**

Тошкент вилояти Ангрен шаҳрида яшовчи, 1926 йилда туғилган Д. В.нинг уйига кечаси З нафар "чақирилмаган меҳмон" дераза орқали киради. Улар аёлни пичок билан кўркитиб, 123 минг сўмлик буюмларини олишади ва воқеа жойидан ғойиб бўлишади.

'Воқеа юзасидан тузилган тезкор гуруҳга Ангрен шаҳар ИИБ қўриқлаш бўлими милиционери, милиция сержантини И. Эргашев ҳам жалб қилинди. Ҳукуқ-тартибот ходимлари томонидан олиб борилган тезкор ҳаракатлар натижасида гумондор шахслар ушланди. Улар муқаддам судланган А. Р. ва унинг "шогирдари" Д. Н., Р. Р. лар эканлиги аниқланди.

\*\*\*

Ризқ-рўзимиз бўлмиш дон маҳсулотларини етиштиришда дехқонларимиз тиним билмай меҳнат қилишлари, ғароз ниятли шахслар эса тайёр донни талон-торож қилишга доим шай туришларини кўп эшигтганмиз.

Яқинда галлани ўмаришга интилган мирзачўллик тракторчи А. Б.нинг қингир иши чиппакка чиқди. Унинг Мирзачўл тумани ИИБ қўриқлаш бўлими милиционери, милиция сержантини Учқун Мирзаев томонидан тўхтатилган тракторидан 6 қоп, жами 280 кг. буғод олинди.

\*\*\*

Самарқанд вилояти Самарқанд туманида яшовчи Р. У ўзини устаси фаранг санаб, пинҳона гиёҳвандлик мoddалари олди-сотдиси билан шугулланиши ҳақида хабар тушди. Вилоят ИИБ жиноят қидирив ва терроризмга қарши кураш бошқармаси ходимлари ҳамда қўриқлаш бошқармаси майдада ташмачилик-

\*\*\*

нинг олдини олиш гуруҳи инспектори, милиция лейтенанти К. Алимовларнинг ҳаракати зое кетмади. Натижада Р. У. 40 грамм героинни 400 АҚШ долларга сотётган вақтида ашёвий далил билан ушланди.

\*\*\*

Боғишамол тумани ИИБ ҳузуридағи қўриқлаш бўлими милиционери, милиция сержантини Ж. Қодиров Самарқанд шаҳри Гагарин кўчасида бир номаълум шахснинг ножўя ҳаракати ва кўлидаги катта хўжалик сумкасидан шубҳаланиб, шахсини аниқлаш учун хужжатларини сўра-моқчи бўлди. Рангида ранг қолмаган йўловчи сумқани ташлаганча, қочишига уринди.

Эпчил Ж. Қодиров уни ушлаб, туман ИИБ навбатчилик қисмига келтириди. Дастребли суриштирувда ўй-жойининг тайини бўлмаган К. В. Гагарин кўчасида яшовчи ожиза Т. О.нинг уйидаги ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, 28 минг сўмлик ўй-рўзғор буюмларини ўғирлагани маълум бўлди.

\*\*\*

Баъзан содир этиладиган ўғирликни жабрланувчини яхши билган шахс амалга ошириши сир эмас. Ана шундай ҳолат Учқуприк туманида яшовчи О. А.нинг бошига тушди.

Уйидан 200 минг сўм пул ғойиб бўлганлиги ҳақида туман ИИБга хабар қилган О. А. тезкор ходимларининг ҳаракатидан сўнг ҳайратдан ёқа ушлади. Чунки ўғирликни ўзининг яқин танишлари – Х. А. ва Д. М. лар содир этган эдилар. Улардан далилий ашё сифатида 188 минг сўм пул олинди.

**Р. ТУРҒУНОВ,**  
милиция майори.

**"01" хабар қилади****ХАВФСИЗЛИК ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА**

**Шу йилнинг ўтган даврида Самарқанд вилояди 500 дан зиёд ёнгинлар содир бўлиб, 22 миллион сўмга яқин моддий зарар кўрилди, ўнлаб биноларнинг кули кўкка совурилди. Бу ёнгинларда 41 киши куйиш тан жароҳати олди, 10 киши оламдан барвакт кўз юмди.**

Самарқанд шаҳар Сиёб тумани Чироқчи кўчаси 138-йда содир бўлган ёнгиндан чиқаётган тутун, томдаги шиферларнинг қарсилаб отилиши барчани ташвишга солди. Аланга кўшни уйларга ҳам ташланадиган эди. Дарҳол ўт ўчирувчиларга хабар берилди. Ички хизмат лейтенанти З. Исқандаров бошчилигида 9-ҳарбийлаштирилган ёнгин ўчириш қисми ходимлари етиб келганида уй олов исканжасида қолган эди. Дарҳол тегиши чоралар кўрилди. Олов тили қирқилиб,

кўшни иморатларга ўтиши тўхтатилди. Уй эгаси X. Холиқуловнинг газ плитасини ёқиб, қаровсиз қолдириб кетиши натижасида ёнгин келиб чиқсанлиги аниқланди.

Худди шундай сабаб билан Самарқанд тумани "Гулобод" жамоа хўжалигида яшовчи Алишер Муродовнинг хонадонида ҳам ёнгин содир бўлиб, уйнинг бир қисми ёниб кулга айланади.

Самарқанд шаҳри, Бухоро кўчаси 138-йда истиқомат қуливлари Г.

**Х. МАЛЛАЕВ,**  
ички хизмат майори.

**БОЛАНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?**  
Жиззах вилояти ИИБ вояга етмаганларга ижтимоий-хукукий ёрдам бериш марказига 2002 йил 4 июнь куни 9-10 ёшлар чамаси ўғил бола келтирилган. У Мирзачўл тумани "Ержар" темир йўл шоҳбекатида дайдиб юрган вақтида топилган. Руҳий касал, гапролмайди.

**Белгилари:** бўйи 110 см, сочи қора, ўртака гавдали, корачадан келган, қоши қора, сийрак, кўзи сарғиш, лаби юпқа.

**Кийинлари:** эгнида ок-кора йўл-йўл майка, жигарранг шим, оёғида оқ, резинали шиппак бўлган.

**Боланинг ота-онаси, яқинлари Жиззах вилояти ИИБ вояга етмаганларга ижтимоий-хукукий ёрдам бериш марказига мурожаат қилишлари мумкин.**

**OZBEKISTON RESPUBLIKASI IV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI**

**MANZILIMIZ:**  
700029,  
Toshkent,  
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

**Bosh muharrir  
Shuhrat MURODOV**

Bosh muharrir  
o'rinnbosari v.b.  
**Murod TILLAYEV**

Mas'ul kotib  
**B. AZIMOV**  
Navbatchi:  
**S. SHODIYEV**  
Musahhihlar:  
**M. AKRAMOVA**  
**G. XOLIQOVA**

Sahifalovchi:  
**A. MIRZAMUHAMEDOV**

TELEFONLAR:  
Bosh muharrir  
o'rinnbosari 139-75-69.  
Mas'ul kotib 139-73-88.  
muxbirlar bo'limi 139-75-69.  
Buxgalter 139-75-37.  
Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari  
bo'yicha murojaat uchun  
faks: 54-37-91  
Tel.: 59-23-08

E-mail:  
urmvd@globalnet.uz

Bizning hisob raqamlarimiz  
O'zbekiston Respublikasi  
Markaziy banki  
Toshkent viloyati  
Bosh boshqarmasi.  
hisob raqami:  
21596000500447980001,  
MFO 00025.  
**ABN AMRO Bank MB**  
O'zbekiston A.J.  
20210000300447980002  
MFO 00831,  
i/r 5033853  
INN 200637499

• Ko'chirib bosishda «Postda»dan ekanligini ko'rsatish shart  
• Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi